Hech bir inson e'tibordan chetda emas

ҲЕЧ БИР ИНСОН ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Дунёга ёйилган коронавирус, афсуски, юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Пандемия оқибатида касалликни юқтириб олганлар кун сайин ошиб бормоқда. Минглаб одамлар уй ва махсус зоналарда карантинга олиняпти.

Инфекция кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида кўплаб давлат ва нодавлат муассасалар вақтинча ёпилди. Баъзи ташкилотларда масофавий ишлашга ўтилди. Фуқароларнинг жамоат жойларида тўпланмаслиги, ўзаро мулоқотларни камайтириши, уйда ўтириши тавсия этилмоқда.

Мулоҳаза

Мана шундай мураккаб шароитда айрим давлатларда иқтисодиётнинг издан чиқиши, озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги, соғлиқни сақлаш соҳаси инқирози, одамларнинг тушкунлик ва ваҳимага берилиши кузатилаётгани ҳам сир эмас.

Шукрки, мамлакатимизда пандемия ва карантин билан боғлиқ қийинчиликларга қарамасдан, халқимиз саросимага тушмади. Чунки Ўзбекистонда ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ҳамда ғамхўрлигидан четда қолаётгани йўқ. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Хайрияларни мувофиқлаштириш маркази томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий буюмлар, антисептик воситалар бепул етказиб бериляпти.

Бозорларда нарх-навонинг сунъий равишда ошириб юборилмаслиги, зарур товарлар билан таъминланиши қатъий назоратга олинган. Марказдан узоқдаги аҳоли пунктлари, қишлоқ ва маҳаллаларда кўчма савдо расталари ташкил этилмоқда.

Касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида бозорлар, йўллар, барча ташкилот ва муассасалар мунтазам дезинфекция қилиняпти. Пулнинг вирус ташувчи восита экани ҳисобга олиниб, пенсия маблағларининг пластик карталарга туширилиши жорий этилмоқда.

Президентимизнинг Фармони асосида тадбиркорлар фаол қўллаб-қувватланяпти. Улар солиқ ва божхона тўловлари бўйича қатор имтиёзларга эга бўлмоқда. Ёшларнинг таълим олиши телевидение ва интернет ёрдамида онлайн асосида йўлга қўйилди.

Фанлар академияси фаолияти ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Олимлар, тадқиқотчилар уйларида қолганлари ҳолда ўз илмий ишларини давом эттирмоқдалар. Ўзаро мулоқотни таъминлаш мақсадида "Телеграм" ижтимоий тармоғида махсус канал ташкил этилган. Илмий ходимларнинг кундалик ҳисоботлари Фанлар академияси томонидан умумлаштириляпти. Олинган натижалар иқтисодиёт тармоқлари, халқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан куни кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида Республика комиссияси мутасадди вазирлик ва идоралар билан бирга, жойлардаги ҳокимлар, секторлар раҳбарларининг коронавирус тарқалишининг олдини олиш ҳамда унинг иқтисодиёт ва инсонлар ҳаётига салбий таъсирини имкон қадар чеклаш учун масъулиятини янада ошириш чораларини кучайтириши кераклигини таъкидлади.

Эндиликда ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари аҳолининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш, нарх-навонинг ошиб кетмаслигига эришиш ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

Амалга оширилаётган ишларнинг барчаси одамларнинг кайфиятини кўтариб, коронавирус балосига қарши биргаликда курашишга руҳлантирмоқда. Энг муҳими, эртанги кунга, касалликнинг, албатта, чекинишига ишончимиз мустаҳкам.

Зеро, Ўзбекистоннинг зарур бўлганда бир майизни ҳам қирқ бўлиб еган аҳил-иноқ, сабр-бардоши метин халқи, шу халқни жонидан ортиқ суйиб, унга ғамхўрлик кўрсатадиган Президенти бор!

Саъдулла БАҲРОМОВ,
ЎзРФА Физика-математика ва техника фанлари бўлими раҳбари, академик.